

# Biznes-Эксперт

№ 5, 2014

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

КИММАТГИ КОЖОВЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЙТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Саноатни инновацион  
ривожлантириш –  
аҳоли турмуш фаровонлигийни  
оширишнинг муҳим омили

23

ТЕМА НОМЕРА:

Теоретические аспекты  
управления издержками у  
хозяйствующих субъектов

65

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

12

Хорижий инвестиция –  
мамлакат иқтисодиёти  
барқарор ривожланишининг  
асоси

32

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати  
ва уни такомиллаштириш  
йўналишлари

Қишлоқ меҳнат  
бозорида ишчи кучи  
рақобатбардошлигини  
ошириш бўйича хорижий  
ёндашувлар

Схема участников  
налогового менеджмента

42

69

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей  
аттестационной комиссии при  
Кабинете Министров Республики Узбекистан  
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал  
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий  
Высшей аттестационной комиссии для докторских  
диссертаций.

# Мундарижа

## Бозор тамойиллари

Д. Курбанов. Солиқ имтиёзлари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириувчи корхоналарни рағбатлантириш йўллари 3

## Таққос ва таҳдил

Р. Абдуллаева. Тадбиркорликни ривожлантириш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили 8

## Сармоя ва самара

Г. Мирзабуллаева. А. Адашев. Хорижий инвестиция – мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланишининг асоси 12

## Соҳа тараққиёти

Ш. Жалилов. Нефть ва газ саноати корхоналарининг молиявий аҳволи ёки давлат бюджети билан ўзаро алоқаларнинг таъсири хусусида? 14

## Кун мавзуси

О. Қосимов, У. Қосимов. Ўзбекистон қадоқданган яхна чой бозори таҳдили, брендлар ва улар ўргасидаги рақобат 18

## Жараён

Н. Рустамов, С. Тўраев. Саноатни инновацион ривожлантириши – аҳоли турмуш фаронсонлгини оширишнинг муҳим омили 23

## Социум

Б. Болтаев. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш 27

## Молия

У. Ўроқов, Ш. Ҳамроев. Ўзбекистонда пул кредит сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари 32

## Назария ва амалиёт

Ш. Мусалимов. Жисмоний шахсларнинг мол-мулак солигини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш масалалари 38

## Бандлик

С. Курбонов. Қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш бўйича хорижий ёндашувлар 42

## Аграр сектор

Х. Қалимбетов. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва унинг ҳудудий хусусиятлари 47

## Капитал

Г. Жумаева, Р. Рашидов. Модернизациялаш жараёнларида хорижий инвестицияларни жалб этишини зарурати 50

## Маркетинг

И. Умаров, С. Сайдкаримова. Ялпи озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва унга таъсир этувчи омиллар 54

## Хорижий тажрибаси

Б. Шакирова. Узоқ муддатли молиявий ресурсларни шакллантиришда “узун пуллар”нинг аҳамияти (халқаро амалиёт) 59

## Инновация

М. Атаниязова. Меҳнат бозорида иш билан бандлик инновацион турининг шаклланиши 62

# Содержание


## Аналитика

Х. Абдуллаев. Теоретические аспекты управления издержками у хозяйствующих субъектов 65

## Актуальная тема

Г. Абдуганиева, Д. Яхеева. Схема участников налогового менеджмента 69

# Саноатни инновацион ривожлантириш – аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг мұхим омили



**Ў**збекистон иқтисодиёти ривожланишига улкан хисса қўшиб келаётган соҳалардан бири саноатdir. Иқтисодиётнинг мазкур тармоги юқори салоҳиятга эга бўлиб, унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва саноат корхоналарида самарадорликнинг ошиши аҳоли турмуш даражаси яхшиланишини таъминлайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасидаги туб ислоҳотларимиз амалга оширилиши саноат корхоналарининг иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади. Саноат корхоналарида самарадорликнинг ошиши бугунги кунда уларда инновацияларнинг қўлланилиши билан боғлиқ.

Инновация инсон тараққиётининг иқтисодиёт ривожланишига боғлиқ бўлган мұхим таркибий қисми бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг моддий-техник ва технологик асосини ўзгартириб юбормоқда. Илм-фан бевосита ишлаб чиқаришнинг асосига айлануб, унинг ривожланишини таъминловчи етакчи кучга айланди. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш,

Нарзилло РУСТАМОВ,  
Санжар ТЎРАЕВ,  
Бухоро мұхандислик-  
технология институти  
талабаси.

## Аннотация

Мақолада саноатни инновацион ривожланишининг асосий иўналишлари ва натижалари, устувор жиҳатлари, мамлакатимизда аҳоли турмуши даражаси ошишининг курсаткичлари ва аҳоли турмуши даражасини оширишида саноат ривожланишининг таъсири ёритиб берилган.

В статье освещается влияние развития промышленности на повышение основных направлений и итогов инновационного развития промышленности, показателей роста уровня жизни населения нашей страны.

In the given article it is measured influences of development of the industry on increase of the basic directions and results of innovative development of the industry, indicators of growth of a standard of living of the population of our country.

уларнинг самарадорлигини ошириш инновацияларнинг асосини ташкил этади. Инновация янги технологик даражаларга эришиш учун ташланган қадам бўлиб, илмий-техник тараққиёт ва саноатлашган иқтисодиётда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда саноатни инновацион ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, саноатни ривожлантириш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг асосида кўплаб лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётir.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қўйматтага эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёrlаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин. Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникини ва мобиъл телефонлар, кенг турдаги майший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.” (1)

Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 2013 йилда 8 фоизга ошди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8 фоизга кўпайди, 2013 йилда жами 61105,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариди. Мамлакатимизда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш муҳим рол ўйнамоқда. Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда. 2013 йилда ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади. Сўнгти 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш

риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2012-2015 йилларда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва бошқа қарорлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш ва диверсификация қилишни, меҳнат унумдорлигини ўстиришни, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтиришни, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишни, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишни, унумсиз сарф-ҳаражатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориши, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва импорт ўрнини босадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириб бориши кўзда тутади. Шунингдек, мамлакатимизда саноатни ривожлантириш шу жиҳатдан муҳимки, мазкур тармоқ истеъмол бозорини шаклантириш ва уни тўлдириш, бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш, миллый иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, бугунги кунда мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш каби муаммоларни самарали ечишда етакчи тармоқ бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда саноатни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги ПҚ-1590-сонли “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш муҳим рол ўйнамоқда. Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда. 2013 йилда ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади. Сўнгти 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш

Ўзбекистон нг “2012-товарлари иш бўйича ва бошқа чиқариш-клантириш нумдорли-катлари ва ни, саноат ширишни, замонавий з сарф-ҳа-ват ишлаб нириб бо-инг барча т ўринни қаришни кек, мамда-жиҳатдан трини ша- зарурӣ дидётнинг қаришни замонавий изолати-захоли да-самарали

тирища нг 2011 йиллар-гулутлар, қариш-тўғриси-хим рол варлари з вақти-арасини о ишлаб кил этди фойзга нафақат ора ор-аси асо- ва ма-тириш аримиз имизда қариш

ҳажми қарийб икки баробар ошиди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда саноатни инновацион ривожлантиришда инвестиция дастурини амалга ошириш муҳим роль ўйнамоқда. 2013 йилда инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг маблағлари ташкил этмоқда. Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш обьектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. 2014 йилда саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим обьектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш юқори бўлиши белгиланди. Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади. Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиги ишлаб чиқариш обьектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади. Бу каби амалга оширилиши белгиланаётган тадбирлар мамлакатимизда саноат ривожланишига хизмат қиласи.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, жумладан саноатни ривожлантириш, саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли турмуш даражасини оширишга саноатни инновацион ривожлантириш орқали эришиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бунинг учун саноат корхоналарида мавжуд салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш зарур. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб аҳоли турмуш даражасини яхшилаш лозим. Юқорида ай-

тилганидек, Ўзбекистонда саноат ривожланиб, саноат тармоқларида кўплаб янги корхоналар барпо этилмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши билан саноат корхоналарининг самарадорлиги ошиб, тармоқда янги иш ўринлари яратилмоқда ва аҳоли кўпроқ даромадга эга бўлиб, турмуш даражаси яхшилашиб бормоқда.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Инсонларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишиди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда эксперталар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда... Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оиласарнинг тинчлиги ва осоиишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиласидиган ўринни мустахкам эгаллаб турибди.”(2)

Ўзбекистонда 2012 йилда аҳолининг ялпи даромадлари олдинги ўтган нисбатан 123,5 фоизга, аҳоли реал даромадлари 115,2 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи даромад 121,7 фоизга ошиди. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижаларидан кўриш мумкинки, 2013 йилда аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошиди, ўргача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўргача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кутимоқда. Оиласар даромадларининг таркиби ўзгармоқда – тадбиркорликдан олияётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан кўпини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгти йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. 2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолининг истеъ-

мол харажатлари 9,5 баробар ошди. Сүнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқовқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Юртимиздаги оиласларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиЛЬ телефон ва бошқа замонавий майший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланниш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оиласа ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини оширишда янги иш ўринларини яратишнинг ҳам ўрни юқоридир. Мамлакатда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандларини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришдан 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтиришдан 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқданган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Юқоридагилардан кўринаяптики, мамлакатимизда саноатнинг инновацион ривожланиши аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади. Буни макроиқтисодий жараён сифатида қўйидагича ифодалашимиз мумкин:

- Мамлакатда саноатни инновацион ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар киритилиши билан саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлик ошади.

- Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳолининг импорт товарлар ўрнини босадиган маҳаллий истеъмол товарларини сотиб олиш имкониятини оширади ва бу аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлайди.

- Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ошиши саноат корхоналаридан ишловчилар оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг ошишига олиб келади.

- Саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг кўпайшига хизмат қилади.

- Давлат бюджетига тушадиган солиқларнинг кўпайши натижасида қўшимча олинган маблағлар бюджетнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали аҳолига трансферт тўловлари сифатида берилиши мумкин ва бу мамлакатда аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, мамлакатимизда саноатни инновацион ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни такомиллаштирилиб борилиши аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** саноат корхоналари, инновациялар, саноатни инновацион ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлиги, саноатни инновацион ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А.Каримов “2014 йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. // “Халқ сўзи”. 2014 йил 18 январь.
2. И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўлами ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. // “Халқ сўзи”. 2013 йил 19 январь.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Дарслик. – Т.: Меҳнат, 2009.
4. Ортиқов А. “Саноат иқтисодиёти”. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 йил.
5. Турсунходжаев М.Л. “Инновационий менеджмент” – Т.: Меҳнат, 2003 йил.
6. Рустамов Н.И. “Саноат корхоналари самардорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш”. Монография. – Т.: “Фан”, 2013 йил.